

Сийрат дарслари (46-дарс). Ким бизни алдаса, биздан эмас



16:10 / 23.08.2019 5785

235. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уч нарса борки, улар кимда бўлса, иймон ҳаловатини топади: Аллоҳ ва Унинг Расули унинг учун икковидан ўзга ҳамма нарсадан севимли бўлиши; бир кишини фақат Аллоҳ учунгина севиши ва куфрга қайтишни худди оловга ташланишни ёмон кўргандек ёмон кўриши»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

236. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Сизлардан бирортангиз ўзи учун яхши кўрган нарсани биродари учун ҳам раво кўрмагунича мўмин бўла олмайди»**, деяётганларини эшитдим».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

237. Абу Умома Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ким Аллоҳ учун яхши кўрса, Аллоҳ учун ёмон кўрса, Аллоҳ учун берса ва Аллоҳ учун ман қилса, иймонни комил қилган бўлади»**.

Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

238. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ким бизга қарши қурол кўтарса ва ким бизни алдаса, биздан эмас».**

Муслим ривоят қилган.

239. Жундаб ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ким мутаассибликка чақирган ёки мутаассибликка ёрдам берган ҳолида залолат байроғи остида қатл қилинса, жоҳилият қатли билан қатл қилинган бўлади».**

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан